

JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALIQ ILIMLER

Tariyx. Huqıqtanıw. Ruwqıylıq tiykarları

АМУДАРЁ БЎЛИМИДА ДУНЁВИЙ СУД ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИ

А.Абдуллаев – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: Амударё, дунёвий суди, жиноий иш, ҳукм, прокурор, ҳимоячи, ҳокимият, суд палатаси, суд уставлари, Туркистон ўлкаси.

Ключевые слова: Амударья, светский суд, уголовное дело, приговор, прокурор, защитник, орган власти, судебная палата, судебные уставы, Туркестанская страна.

Key words: Amudarya, secular court, criminal case, sentence, prosecutor, defense attorney, authority, court chamber, court charters, Turkestan country.

Кириш. Мақоланинг кириш қисмида Амударё бўлимида кейинчалик вилоятида октябрь тўнтаришидан кейин ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари совети ташкил топди. Мазкур ташкилот ўлкада Россия империяси даврида фаолият юритган ҳукумат ташкилотлари ва бошқармалари фаолиятини тугата бошлади. Халқ Комиссарлари Совети эса, бошқарувнинг ўзига тан ва ўзига хос шакл ва усуллари амалда қўллана бошлади.

Жамият ҳаётида «янги» қонунларни қўллаш, унинг ижросини таъминлашда суд-ҳуқуқ тизимидан фойдаланиш зарурияти келиб чиқади, албатта. Мазкур масалалар билан Халқ Комиссарлари Совети, ишчи, деҳқон, солдат депутатлари советлари ижроий қўмиталари тўғридан-тўғри шуғулланди, ҳатто тергов ишларини ҳам олиб борди. Мазкур суд-ҳуқуқ тизимининг бошланғич шаклланиш даврини шартли равишда иккига бўлиб ўрганиш мумкин:

Биринчиси – 1917 йилдан 1922 йилгача бўлган давр. Бу даврда совет судлари шакллана бошлади. Ўлкада юз бераётган ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ўзгаришларнинг объектив ва субъектив ҳолатлари ҳам алоҳида роль ўйнади. Бу даврда ҳар қил фавқулодда трибуналлар, комиссиялар ташкил этилди.

Иккинчи давр – 1922 йиллардан бошланган бўлиб, бу даврда суд тузилиши, суд тартиблари ўрнатила бошлаган. Айрим фавқулодда ташкил этилган органлар қисман тугатила бошланганлигини кўриш мумкин.

1897 йил Амударё бўлими дунёвий суди томонидан 234 та [1] фуқаролик ишлари ва 188 та [2] жиноий ишларни кўриб чиққан, 11 турдаги фуқаролик ишлари, 12 хил турдаги жиноий ишлар бўйича қарор ва ҳукмлар қабул этилган. Фуқаролик ишларининг кўпчилигини кўчмас мулк, қарзларни тўлаш мажбурияти ва бошқалар ташкил этган. Жиноий ишларнинг кўпчилигини ҳукуматнинг фаолияти, бошқарув тартиби ва низомларига қарши ҳаракатлар ташкил қилган.

Суд жараёнининг олиб борилишини тартибга келтириш масаласида Россия империяси адлия вазири котиби, кейинчалик Россия империясининг бош прокурори, Россия императорининг ҳақиқий яширин маслаҳатчиси Н.В.Муравьев бир қатор таклифлар киритган.

Судда судья, прокурор, ҳимоячи ва суд маслаҳатчилари иштироки таъминланиши шартлиги кўрсатилган. Суд раиси суд жараёнини бошқариши, судда тартибни сақлаши, ишни қонун тантанаси ва ҳақиқатни очиш учун йўналтириши, суддаги барча жараёнларга нисбатан кўпроқ жавоб берадиган шахс эканлигини таъкидлаган.

Ҳимоячи – суднинг адолатли қарор қабул қилиши учун ҳалақит эмас, ёрдам бериши, шу билан бирга судланувчининг шахсий вакилигина бўлиб қолмасдан, балки, суднинг ижтимоий жамоатчи арбоби сифатида иштирок этиши, айбланувчини жазодан «оклаш» ёки озод этиш учун ҳаракат қилиши, нима бўлишидан қатъий назар, ҳеч қанақа маблағга аҳамият бермасдан, ортиқча ҳаракатларсиз, ўз билимини намоиш этиши кераклигини таъкидлаган.

Суд маслаҳатчилари – ўзининг актига мувофиқ суд жараёнида айбдорни оқламасдан, айбсизни сабабсиз қораламасдан ўзига хос равишда «судьялар бўлиб» маслаҳатда қатнашиш кўрсатилган [3].

Жойларда судларнинг ва уларга тегишли органларнинг алоҳида иш олиб бориши, суд ҳокимиятининг бўлинганлиги, суд палатаси даражасидаги апелляция, олий апелляциялар инстанциясининг йўқлиги, округ судларининг етишмаганлигига эътибор қаратилган.

Дунёвий судларига маҳаллий аҳоли вакилларининг мурожати учун имконият бериш кераклиги, дунёвий судига нисбатан маҳаллий аҳолининг ҳурматини оширишга эришиши зурурлиги тавсия этилган [4].

Шундан кўриниб турибдики, рус маъмурияти мунтазам равишда ўлкадаги суд тизими фаолиятини таҳлил қилиб борган. Натижада йилдан йилга ўлкани бошқариш такомиллаштирилган шакл ва усулларда олиб борилган. 1903 йил чоп этилган «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом»да император Александр II нинг Суд Низомлари ва изоҳлари ҳам қўшимча равишда берилган.

1903-йилгача қабул этилган низомларда 173, 176-моддалар ўзгаришсиз қолдирилган [5]. Мана шу такомиллаштирилган Низом ва суд низомларига асосан Амударё бўлимида судлов ишлари давом эттирилган.

Амударё бўлимида дунёвий судлар маҳаллий фуқаролар ҳаётига нописандлик билан қараган, ишлар охиригача қараб чиқилмаган, чуқур таҳлилсиз жазо турлари белгиланган.

1911 йилги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом»га император Александр II даврида қабул этилган «Суд уставлари» асосида бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган [6].

Шу билан бир қаторда, маҳаллий аҳоли вакиллари Амударё бўлими бошлиғига ҳам ҳуқуқий масалаларда мурожаат қилганлар. Айрим мурожаатларига жавоб берилса, бошқалари жавобсиз ҳам қолиб кетган. Бу ҳам бир томондан аҳолининг ижтимоий-сиёсий кўз қарашларининг ўсганлигидан дарак берса, иккинчи

томондан рус маъмуриятининг кўп ариза ва шикоятларни номига қараб чиққанлигини кўрамиз.

Аслида, тўлик ўрганиш, ёрдам чораларини кўриш уларнинг режасига кирмас эди. Чунки ўлкани тафтиш қилган оддий одамлар эмас, императорнинг махсус топшириқларини бажарувчи ишончли одамлари графлар, сенаторлар бўлиб, ўзларининг мунтазам равишда олиб борган иктисодий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги таҳлилларида, ҳисоботларида ўлка аҳолисининг «кучли» ва «ожиз» томонлари ҳақида маълумот тайёрлаб, ўлкани бошқаришнинг нозик томонларига аҳамият бериб борганлар.

1895-1897 йилларни ўз ичига олган 1898 йилда ёзилган Туркистон генерал-губернаторлигининг маърузасида, суд бўлими муаммоларига, 1886 йил нашр этилган Низомдаги ушбу масала бўйича юборилган камчиликларга асосий эътибор қаратилган. Маъмуриятнинг ўлкада йўл қўйган энг катта камчилиги сифатида, «дунёвий суд қонунларидан маҳаллий аҳолининг тўлиқ ажратиб қўйилганлиги, шу билан бирга аҳолининг халқ судларига бўйсунганлиги, ўлкада ташкил этилган дунёвий судларининг маҳаллий шароитга етарсиз даражада кўникаётганлиги» кўрсатилган. 1886 йилги низомга кўра ташкил этилган дунёвий судларнинг эшиги маҳаллий аҳоли учун ёпиқлиги, ҳатто рус қонунларининг устунлигига «онги етиб», ўзларининг халқ судларига эмас, дунёвий судларига мурожаат қилишни истаган айрим маҳаллий аҳоли вакилларининг мурожаатлари ҳам дунёвий судлари томонидан қабул қилинмаётганлигини танқид қилинган.

Маърузада судларнинг ва уларга тегишли органларнинг алоҳида иш олиб бориши, суд ҳокимиятининг бўлинганлиги, маҳаллий аҳоли назарида рус маъмуриятининг нуфузини сусайтираётганлиги, империяда суд палатаси даражасидаги апелляция, олий апелляциялар инстанциясининг йўқлиги, округ судларининг етишмаслиги аҳволни мураккаблаштирганлиги кўрсатилган.

Дунёвий судларига маҳаллий аҳоли вакилларининг мурожаати учун имконият бериш кераклиги, дунёвий судига нисбатан маҳаллий аҳолининг ҳурматини оширишга эришиши зурурлиги тавсия этилган [7].

Шу ва шунга ўхшаш таҳлиллардан кейин Россия империяси ва Туркистон генерал-губернаторлиги раҳбарияти ўлкада суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш билан ўлкани забот этишни тезлаштиришга ҳаракат қилди натижада, йилдан – йилга ўлкани бошқариш такомиллаштирилиб борилган.

Амударё бўлимида дунёвий судларнинг маҳаллий фуқаролар ҳаётига нописандлик билан қараганликлари, ишни охиригача қараб чиқмаганликлари, чуқур таҳлилсиз жазо турлари белгиланганликлари ҳақидаги судлов ишларидан бир неча мисоллар келтиришни лозим топдик:

Амударё бўлими муваққат суди ёрдамчиси Э.Левицкий Қўнғирот бўлиси бошлиғи мулла ҳаким Рзинни ўлдирган ўзбек уруғи ноғай Сеидназар Ходжаниязовнинг иши бўйича қуйидаги камчиликларга йўл қўйилган:

1. Жиноят содир этилган жой яхши ўрганилмаганлиги ва вафот этган одамнинг акаси сўроқ қилинмаганлиги;

2. Гумондор Бабажан Пирназаров ва айбланувчи Саидназар Ходжаниязовларнинг қандай аёқ-кийимларда бўлганлиги аниқланмаганлиги;

3. Жиноят содир этилган жойдаги бошқа одамлар сўроқ қилинмаганлиги;

4. Мулла ҳаким Рзин билан Сеидназар Ходжаниязовнинг орасида бир-бирини кўра-олмаслик ҳолатлари аниқланмаганлиги;

5. С.Ходжаниязовнинг иштонидagi қонга ўхшаш доғлар кимёвий микроскопик экспертиза текширувига юборилмаганлиги;

6. Гувоҳлар қасамёдсиз сўроқ қилинганлиги, яъни иш яхши ўрганилмаганлиги, айбдорни айбловчи моддий далиллар етарли тўпланмаганлиги учун мазкур иш Сирдарё вилоят суди раиси Д.Г.Рождественский Ю.Д.Юмаков, Ф.М.Кислинский, Н.С.Черданцев аъзолигида, П.М.Лукашевич котиблигида 1887 йил 16 мартда қайта қараб чиқилган.

Амударё бўлими дунёвий судьясидан тушунтириш хати олинган ва ишни яна қайта кўриб чиқиш учун Амударё бўлими дунёвий судига жўнатилган [8].

Шу билан бирга, мазкур иш бўйича архив ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, 1887-йил 16-март куни бўлиб ўтган Сирдарё вилоят судида ушбу масала юзасидан иш қаралганда прокурор иштироки таъминланмаганлиги ҳам аниқланди.

1888 йил 8 апрел куни Сирдарё вилоят суди очик мажлисида 16 мартдаги суд мажлисида иштирок этган раис ва аъзолар ушбу масалани қайта қараб чиқилган. Суд жараёнида Сеидназар Ходжаниязовнинг айбдор эмаслиги тасдиқланганлиги учун айбсиз деб топилган ва озод этилган [9].

Архив ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, ҳақиқий айбдорни излаб топиш масаласи назоратсиз қолиб кетган.

1888 йил 24 апрел куни Шайх-Аббос-вали бўлислиги бошқарувчиси Амударё бўлими бошлиғининг ёрдамчисига ёзган билдиргисида Шимом оқсоқоллиги ҳудудида яшовчи Ирман ва Дўсман Бекмухамедовларнинг қасддан ўлдирилганлиги ҳақида маълумот берган. Ушбу жиноят иши бўйича Амударё бўлими дунёвий суди ёрдамчиси шуғулланган.

Мазкур иш бўйича гумондор деб топилган шахслар аниқланиб, суриштирув ишлари олиб борилган. Айбдорлар Алламберген Ишниязов 20 йил муддатга ва Ирман Бекмухамедовнинг хотини Мастура Ишниязова-лар 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Мазкур иш билан Сирдарё вилояти суди, Сирдарё вилоят прокурори губернатор ёрдамчиси ҳам танишиб чиққан. Айбдорлар Россияга – Иркутск губернияси турмаҳонасига, кейинчалик Забайкалье вилояти турмаҳонасига жазони ўташ учун юборилган.

«Амударё бўлимини бошқариш муваққат низом»ида рухсат этилганидек, бўлим бошлиғи судья вазифасини ҳам бажарган. Бўлис бошлиқлари ўз ҳудудида юз берган воқеа ҳақида Амударё бўлими бошлиғига ҳисобот бериб турганлар.

Хулоса. Мақоланинг хулоса қисмида 1919 йил 17 июнда ТАССР Халқ Комиссарларининг Совети қози ва бий судларини тугатиш ва ягона суд билан таъминлаш ҳақида бўйруқ чиқарган.

Мазкур масала Туркистон Коммунистик Партиясининг V-съездида ҳам қараб чиқилган ва

«қозилар ва бийлар судини тўлик тугатиш, уларнинг ўрнига ягона халқ судини ташкил қилиш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилинган.

Архив ҳужжатларини ўрганиш асосида қўйидаги ҳулосага келинди. Феврал инқилоби шариат судларига,

уларнинг аҳволига сезиларли таъсир кўрсатмади. Октябрь тўнтаришидан кейинги, Оренбург, Ашхабад ҳарбий фронтларининг пайдо бўлиши Туркистонни «марказдан» (А.А.) қўп вақтгача узиб қўйганлигини кўришимиз мумкин.

Адабиётлар

1. ЎзРМДА. И-127-жамғарма, 1-рўйхат, 134-йиғма жилд, 97-97-орқаси, 98-варақлар.71,74,82-в.
2. ЎзРМДА. И-127-жамғарма, 1-рўйхат, 134-йиғма жилд, 99,99-о.,100.-в.
3. Всеподданнейший доклад министра юстиции стат секретаря .В.Муравьёва о деятельности министерства юстиции за истекшее десятилетие. 1894-1904 г. – С. 35. общ. 59.
4. ЎзРМДА... И-1-жамғарма, 31-рўйхат, 539-йиғма жилд, 10-в.
5. См...Положение об управлении Туркестанского края.1892. – С. 20, 24, 25.
6. Положение об управлении Туркестанского края. 1909.-С.-98; Положение об управл. Туркестанского края. 1911. -С.36.
7. ЎзРМДА. И-1-жамғарма, 31-рўйхат, 539-йиғма жилд, 10-варақ.
8. ЎзРМДА. И-127-жамғарма, 1-рўйхат, 204-йиғма жилд, 59, 60, 61, 61о, - 62, 89, 91, 91-о, 92-о, -варақлар.
9. ЎзРМДА. И-1271-рўйхат, 217-йиғма жилд, 31, 33, 34, 35, 36, 37, 45-в.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада 1897-йил Амударё бўлими дунёвий суди томонидан фуқаролик ишлари, жиноий ишлар, фуқаролик ва хил турдаги жиноий ишлар бўйича қарор ва ҳукмлар қабул этилган. Фуқаролик ишларининг кўпчилигини кўчмас мулк, қарзларни тўлаш мажбурияти ва бошқалар ташкил этганлигини ва кўпчилигини ҳукуматнинг фаолияти, бошқарув тартиби ва низомларига қарши ҳаракатлар ташкил қилинганлигини ишда кўришимиз мумкин.

РЕЗЮМЕ. По этой статье в 1897 году Светский суд Амударьинского отдела вынес решения и приговоры по гражданским делам, уголовным делам, гражданским и разным видам уголовных дел. На примере дела мы видим, что большинство гражданских дел организовано по недвижимости, долговым обязательствам и т. д., и большинство из них организовано против деятельности правительства, управленческих процедур и правил.

SUMMARY. In this article, in 1897, the Secular Court of the Amudarya Division passed decisions and sentences on civil cases, criminal cases, civil and various types of criminal cases. We can see in the case that most of the civil cases are organized by real estate, debt obligations, etc., and most of them are organized against the activities of the government, management procedures and regulations.

BUXORO AMIRLIGINING MAHALLIY BOSHQARUVI ORGANLARINING

SHAKLLANISHI VA FAOLIYATI

J.N.Xakimov – *katta o'qituvchi*

Qarshi davlat texnika universiteti

Taynch so'zlar: markaziy boshqaruv, qushbegi, Said, otaliq, devonxona, Shohmurod, mang'itlar, diniy unvonlar, muhtasib, mudarris.

Ключевые слова: центр управления, кушбеги, Саид, отцовство, канцелярия, Шомурод, мангиты, религиозные титулы, мухтасиб, мударрис.

Key words: Central Governance, Qushbegi, Said, paternity, chancellery, Shohmurod, Manghits, Religious Titles, Muhtasib, Mudarris.

Kirish. Bizga ma'lumki, amir yoki uning vakolati doirasida tayinlangan mansabdor shaxslar, ya'ni amirning joylardagi vakili, mahalliy boshqaruvchilar hamda beklar davlatning mahalliy boshqaruv organlari hisoblangan. Beklar yuqori tabaqa vakillaridan bo'lib, asosan yirik yer egalari orasidan tayinlangan.

Qoida bo'yicha mansablar qarindoshlik asosida berilgan, ammo shuni alohida ta'kidlash joizki, oddiy fuqaro ham bek bo'lishi yoki aksincha bek oddiy fuqaroga aylanib qolishi mumkinligi o'z navbatida beklik boshqaruvini mas'uliyatli vazifa ekanligidan dalolat beradi.

Mahalliy boshqaruvni amalga oshirgan beklar ko'p hollarda boshqaruv masalasida markaziy boshqaruv tartibini joriy etishga harakat qilardilar. Shuning uchun amirlikning ayrim hududlarida vaqti-vaqti bilan mavjud hokimiyatni tan olmaslik holatlari kuzatiladi. Har qaysi bek o'zining saroyiga, mansab va unvoniga ega bo'lgan. Beklarning ishlarni boshqarish va tashkillashtirish bo'yicha kotiblari bo'lib, hududlardan tushadigan soliq va boshqa majburiy to'lovlarni nazorat qilgan. Xo'jalik ishlarini dasturxonchi deb nomlangan xazinabon boshqargan.

Biz ko'rib chiqayotgan davrda amirlik ma'muriy-hududiy jihatdan 27 ta beklik (viloyat) va 11 tumanga bo'lingan bo'lib, har bir beklik, o'z navbatida amlodkorliklarga bo'lingan va bek tomonidan tayinlanadigan, lavozimidan ozod etiladigan amlodkor tomonidan boshqarilgan. Amlodkorliklar esa, bir necha qishloqlardan tashkil topgan, ularni qishloqning yoshi ulug' va tajribali oqsoqollari boshqargan. Har bir amlodkorlik uch asosiy mansabdor, ya'ni mirob, zakotchi va dorug'aboshilar orqali boshqarilgan. Mirob – hududning sug'orish tizimini kuzatish va suvni taqsimlash vazifasini bajargan bo'lsa, zakotchi soliq va yig'implarni nazorat qilib turgan [1:35].

Asosiy qism. Beklik lavozimi meros tariqasida qolmasdan, balki har qanday holatda amir tomonidan almashtirilishi yoki lavozimidan ozod etilishi mumkin bo'lgan. Bek vafot etgan holatlarda uning barcha molmulklari davlat xazinasiga topshirilib, uning merosxo'rlari qolgan merosga nisbatan hech qanday egalik huquqiga ega bo'lmay, balki keyinchalik markaziy boshqaruvda xizmat qilgan. Bekliklarda yuzaga kelib turadigan kelishmovchiliklarni bartaraf etish maqsadida ayrim